

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ЎРТА МАХСУС, КАСБ - ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

И Н Г Л И З Т И Л И

(160 соат)

фанидан

**академик лицей ва касб - ҳунар коллежлари учун
ўқув дастури**

ТОШКЕНТ-2010

Ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирликларининг 2010 йил 1 июлдаги 6/1 ва 4/2-сонли қўшма Ҳайъат мажлиси қарори билан тасдиқланган ва академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун ўзбек тили фанидан узвийлашган ўқув дастури сифатида узлуксиз таълим тизимига жорий этиш учун тавсия этилган.

Дастурни оптималлаштиришда иштирок этган ишчи гуруҳи аъзолари:

- | | |
|-------------------|--|
| 1. К.А Хикматова | ТДТУ қошидаги компьютер технология академик лицей инглиз тили ўқитувчиси |
| 2. З.У Саидова | Тошкент туризм касб-хунар коллежи инглиз тили ўқитувчиси |
| 3. М.П.Абдуллаева | Чирчиқ тиббиёт коллежи инглиз тили ўқитувчиси |
| 4. А.А.Заҳидова | ТошДАУ қошидаги Қибрай академик лицейи инглиз тили ўқитувчиси |
| 5. Қ.И.Умарова | Тошкент тумани маиший хизмат ва тадбиркорлик касб-хунар коллежи инглиз тили ўқитувчиси |
| 6. Ш.Ҳикматова | Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 51-мактаб инглиз тили ўқитувчиси |
| 7. В.И Мамлиева | Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 250-мактаб инглиз тили ўқитувчиси |

Такризчилар:

Ж..Ж. Жалолов - Низомий номидаги ТДПУ Чет тиллар факультети “Инглиз тили назарияси ва ўқитиш методикаси” кафедраси мудири, профессор.

Р.С.Ибрагимова - Низомий номидаги ТДПУ Чет тиллар факультети, табиий факультетларда чет тиллар кафедраси мудири в.б.

Нашрга тайёрлади:

Н.Чиникулов – Таълим стандартлари ва ўқув адабиётларини такомиллаштириш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Тушунтириш хати

Мустақил Ўзбекистон Республикасида хорижий тилга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Хорижий мамлакатларда таҳсил олиш имконияти пайдо бўлган экан, ёшларимиз ўзларининг келгуси фаолиятларини она тилида қандай олиб борсалар, хорижий тилда ҳам шу даражада иш юритиш имкониятига эга бўлишлари лозим. Ушбу дастурни тузишда Ўзбекистонда вужудга келган янги тил вазияти талабларини мумкин қадар инобатга олишга ҳаракат қилинди.

Замонавий тил вазияти эски тизимдагидан фарқ қилади. Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон дунё бозорига чиқди, хорижий мамлакатлар, халқаро ташкилотлар билан бевосита ҳамкорлик қилмоқда. Шу муносабат билан хорижий тилни ўргатиш бутунлай бошқача тус олмақда, тил ўқитиш жараёни кенгайди. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида мутахассисликка оид инглиз тилига, инглиз тилида иш юритишга, эпистоляр жанрга, ўқиш, тинглаб тушуниш, гапириш, ёзув малакаларни ўстиришга катта аҳамият берилмоқда.

Мактабларда бошқа хорижий тилни ўрганган, аммо академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидаги вазиятга кўра инглиз тили ўқитилиши лозим бўлган ўқувчиларга илк бошланғич босқичдан бу тилни ўргатиш тавсия қилинади.

Мактабларнинг 9-синф талабига жавоб берадиган ёки мустақил равишда инглиз тилидан таҳсил олиб, 9-синф билим даражасига қараганда юқорироқ билимга эга бўлган ўқувчиларга инглиз тилидан таҳсилни кириш тест натижасига кўра қуйи ўрта, ўрта, юқори ўрта босқич бўйича ўтилиши тавсия этилади. Айтиб ўтилган тоифадаги ўқувчиларга таҳсил беришда инглиз тили дастур вазифасини мазкур дастурнинг инглиз тилида ёзилган қисми ҳам ўташи мумкин.

Инглиз тилини ўзлаштириш дидактик нуқтаи назардан бошқа бир фанни ўзлаштириш билан бир ҳодиса эмас. У ёки бу фанни ўзлаштириш жараёнида дидактик асарнинг асосий вазифаси билимни киши онгига сингдиришдир. Шу мақсадда бу билимни талқин қилишга қаратилган дидактик матнлар яратилади, уларни ўзлаштиришнинг мукамаллигини таъминлайдиган, тезлигини оширадиган турли машқлар яратилади, семинар машғулотларни таъминлайдиган турли ўйин, савол-жавоблар уюштирилади ва ҳоказо.

Инглиз тилини ўзлаштириш эса икки йўналишда фаолият кўрсатиш зарурлигини тақозо қилади.

Биринчи йўналишда инглиз тилни ўргатаётганимизда ўқувчи онгига шу тил структураси ҳақидаги билимни сингдириш керак бўлади. Иккинчи йўналишда эса инглиз тили нутқ фаолиятида иштирок этиш кўникма ва малакаларини шакллантириш кўзда тутилади.

Демак, инглиз тилини ўзлаштиришга қаратилган ҳар бир дидактик тадбир, билим беришга мўлжалланган машқлардан ташқари инглиз тилида нутқий кўникма ва малакаларини ҳосил қилувчи машқларни ҳам ўз ичига олади.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг инглиз тили дастурига кўра босқичма-босқич ўқитиш жорий этилади. Бинобарин, ўқувчи кириш тестларини топширганидан сўнг инглиз тилидаги билими даражасидаги босқичдан ўз таҳсилини бошлайди. Бунда “илк”, “бошланғич”, “қуйи ўрта”, “ўрта”, “юқори ўрта” босқичлар назарда тутилади.

Замонавий технологияларни ўқитиш жараёнида ишлатилиши ўқитувчи назорати остида ўтказиладиган ва “актив” билимни ўзлаштиришга қаратилган дарсхонадаги икки соатни “пассив” билимни ўзлаштирилишига мўлжалланган 4-6 соат мустақил иш билан тўлдирилишига имконият яратади. Шунинг ҳисобига ўқитиш жараёни жадаллаштирилади, ўқувчиларда эса адабиёт билан мустақил ишлаш кўникма ва малакалари ҳосил бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунлари академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида янги педагогик технологияларнинг киритилиши режалаштирилганлигини инобатга олиб ушбу ўқув дастури яратилди. Мазкур дастурдан кузатиладиган мақсад академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида инглиз тили ўқитишни такомиллаштириш, жадаллаштириш ва яратиладиган инглиз тили дарсликлари учун асосий услубий манба хизматини ўтишидир.

Дастурнинг асосида қуйидаги ўқитиш тамойиллари ётади:

- 1) муомала амалиётига таяниш (нутқ фаолиятининг қайси бир тури ўргатилмасин унинг натижасида икки ёки ундан ортиқ ўқувчи орасида фикр алмашув содир бўлиши зарурлиги);
- 2) нутқ фаолиятининг барча тури таълимнинг ҳар бир босқичида биргаликда сингдириб борилиши;
- 3) ўқувчининг мустақил бажарадиган машқларига эътиборни кучайтириш;
- 4) ўқитувчининг дарс жараёнидаги роли юқори босқичга ўтилган сари камайиб, ўқувчининг мавқеи ошиб бориши;
- 5) нутқий кўникма ва малакалари ошиб, тил материали ўзлаштира борилгани сари дарсда она тилига кам мурожаат қилиш;
- 6) ўқувчининг инглиз тилида малакаси ошгани сари кундалик инглиз тилига оид манба ўрнига кўпроқ лицей ёки коллежнинг мутахассислигидаги манбага таяниш;
- 7) кўрсатилган шартларни ҳисобга олган ҳолда инглиз тили ўқитишни босқичма-босқич тарзда ташкил қилиш.

Амалий машғулотларни қуйидаги шаклларда олиб бориш кўзда тутилади:

1. Ўқитувчи назорати остидаги машғулот шакллари: “ўқитувчи - ўқувчи”, “ўқувчи-ўқувчи”; “аудио/видео/компьютердаги матн- ўқувчи”. Техник воситалар ёрдамида ўтказиладиган машғулотларни ўқитувчи назорати остидан секин-аста чиқариш (мустақил бажаришга ундаш).

2. Дарс жадвалидан ташқари мустақил бажарилиши учун режалаштирилган вазифа шакллари: “ўқувчи”, “аудио/видео/компьютердаги матн - ўқувчи”.

3. Навбатдаги тест-синовларни бажаришга оид синфдаги мустақил иш шакллари: “ўқувчи”, “аудио/видео/ компьютердаги матн - ўқувчи”.

Ўқитиш жараёни босқичма-босқич тамойилига асосланади(синфда жадвал бўйича ва мустақил иш соатлари тақсимоти муассаса раҳбарияти ихтиёрига ҳавола).

Нутқ фаолиятининг объектлари матнлар, тил материали, нутқ малакалари (тинглаб тушуниш (**listening comprehension - LC**); ўқиб тушуниш (**reading comprehension - RC**); фикрни ёзувда ифода этиш (**essay wuiting - EW**); суҳбатлашиш (**communicational English - CE**)).

Тилнинг таркибий қисмлари лексика, грамматика, талаффуз (фонетика)дан иборат. Тил материали пассив ва актив қисмлардан иборат. Пассив билим - тил

структурасига оид манбани ўқувчи тушунганлигини ва ёзув ёки компьютер мониторида бу билимнинг ўзлаштирилишини назорат қилиш мақсадида яратилган махсус машқларни бажаришини тақозо этади. Актив билим пассив билимни барча нутқий кўникма ва малакаларида қўлланишидир.

Нутқий малакаларни ўқувчиларга сингдириш инглиз тили ўргатишнинг асосий объекти ҳисобланади. Малака ҳосил қилиш узлуксиз, синфда ва синфдан ташқари махсус машқлар олиб бориш орқали амалга оширилиши кўзда тутилган.

Тинглаб тушуниш малакаларини ўстириш “ўқитувчи-ўқувчи”, “ўқувчи-ўқувчи”, “техник восита (аудио ёки видеоматн)- ўқувчи” шаклларида олиб борилади.

Гапириш малакаларини ўстириш дарсда ва дарсдан ташқарида олиб борилиши мумкин. Дарсдаги иш “ўқитувчи - ўқувчи”, “ўқувчи -ўқувчи”, ўқитувчи назорати остида лингафон хонасида “ўқувчи-техник восита” шаклида олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Ўқиб тушуниш малакаларини ўстириш кундалик инглиз тили ва мутахассислик инглиз тилига оид мавзулар доирасида амалга оширилади. Ўқиб тушуниш кўникмаларини ҳосил этишга қаратилган вазифалар гапириш ва ёзув малакаларини ҳам ўстиришга қаратилгандир.

Фикрни ёзувда ифодалаш қадам-бақадам олиб борилади. Таълимнинг бошланғич босқичида гапларни эркин кўчириш туридаги вазифа кўпроқ қўлланилса (**freewriting**), ўқувчи инглиз тили материали билан тўлиқроқ танишгани сари, 1-2 марта ўқиб берилган матнларни ёзувда ифодалаш (баён ёзиш), маълум мавзуга оид иншо, эркин иншо каби вазифалар киритиб борилади. Бунда гапни долзарб бўлақларга ажратиш назарияси, параграф тузилиши, сарлавҳа каби матнлар назариясига оид маълумот тингловчиларга тушунтириб берилиши лозим. Фикрни ёзувда ифодалаш малакаларига хат ёзиш малакасини ҳосил қилиш ҳам киради.

Морфологик шаклларни, оғзаки нутқда қўлланиладиган сўз бирикмаларини, сўзлар ва атамаларни турли шароитларда ишлата билишнинг муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда ситуатив грамматика(**Situational Grammar - SG**)га алоҳида эътибор қаратилади.

Инглиз тилини ўқитиш жараёнида икки аспектга алоҳида диққатни қаратиш лозим:

1. Кундалик инглиз тили аспекти.
2. Мутахассислик инглиз тили аспекти.

Мутахассислик инглиз тили мавзуси Ўзбекистоннинг воқелигини инобатга олган ҳолда икки қисмни қамраши лозим. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларнинг 1-2-ўқув йилларида бозор иқтисодиёти ва давлат тузилиши атамаларни қамрайдиган мутахассислик инглиз тили дарсликлар бўйича дарс жараёнини ташкил этиш барча йўналишдаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларга тааллуқлидир. Учинчи ўқув йилдан бошлаб академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг йўналишига жавоб берадиган атамалар асосида ишланган дарсликка таянган ҳолда мутахассислик инглиз тили аспектига оид дарс жараёнини ташкил этиш лозим.

Инглиз тили ўқитишнинг мазмуни

1. Нутқ фаолияти кўникмалари жараёни

Нутқ фаолияти кўникма ва малакаларига оид билим стандартига тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш, фикрни ёзувда ифодалаш, сўзлашиш кўникма ва малакаларни ҳосил қилишда қўлланиладиган вазифалар мажмуаси киради. Албатта, мазкур дастурда барча турдаги вазифаларни киритишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўймаганмиз. Ҳар бир ўқитувчи ўз маҳоратига кўра зарур топган вазифани ишлаб чиқиши ва дарс ёки мустақил иш жараёнида қўллаши мумкин. Мазкур дастурда келтирилган вазифалар мажмуаси намунавий ҳисобланади ҳамда ўқитувчи ва мутахассислар учун уларни дарслик ёзишда ёки дарс жараёнини ташкиллаштиришида ишлатиш ихтиёрийдир.

1/1. Тинглаб тушуниш вазифалар намуналари

1. Ўқитувчи кетидан инглиз тилидаги матнни такрорлаш.
2. Ўқитувчи томонидан инглиз тилида берилган матнни тушуниб, унга шу тилда қўйилган вазифа жараёнида инглиз тилида жавоб қайтариш.
3. Тингловчи томонидан инглиз тилида берилган матнга қўйилган вазифа доирасида шу тилда жавоб қайтариш.
4. Техник воситага кўчирилган инглиз тилидаги матнга вазифа доирасида жавобни инглиз тилида аудиокасетага ёки компьютерга ёзиб қўйиш (бу турдаги иш мустақил иш тариқасида дарсхонада ва дарсхонадан ташқарида бажарилади ва ўқитувчига топширилади).
5. Матнни тинглаш давомида “калит” сўзларни ёзиб бориш.
6. “Калит” сўзларга асосланиб тингланган матннинг режасини тузиш ва уни оғзаки нутқда баён этиш.
7. Тингланган матнга асосланиб, 2-3 “калит” сўзга таянган ҳолда нутқ вазиятини (ситуацияни) тузиш (ёзма-оғзаки равишда).
8. “Калит” сўзларга таянган ҳолда инглиз тилидан она тилига, она тилидан инглиз тилига синхрон таржима қилиш.

1/2. Ўқиб тушуниш вазифалар намуналари

1. Номаълум сўз маъноларини берилган матнга таянган ҳолда аниқлаш.
2. Мусобақа тарзида инглиз тилидаги матнни тўлиқроқ таржима қилиш.
3. Ўқилган матннинг режа (схема)сини тузиш.
4. Ёзувдаги матннинг “калит” сўзларига таянган ҳолда баён ёзиш.
5. Ёзувдаги матннинг “калит” сўзларини аниқлаб уларга таянган ҳолда матн ғоясини оғзаки баён қилиш.
6. Ўқиб тушунишга оид топшириқларни бажариш (тест-синов шаклида).

1/3. Фикрни ёзувда ифодалаш вазифалар намуналари

1. Компьютер мониторида “spelling”га оид вазифаларни бажариш.
2. Ўтилган манбага асосланиб миқдоран чекланган гапларни хатга кўчириш (“free writing”).
3. Берилган вазифани ҳисобга олган ҳолда инглиз тилидаги гапни 2-3 гаплардан иборат ситуацияга айлантириш.
4. Берилган 2-3 “калит” сўзни нутқ вазиятда ёзув шаклида бир-бири билан боғлаш.
5. Инглиз тилида тингланган матн мавзусини ёзма матн шаклида ифодалаш (баён ёзиш).

6. Берилган вазифага асосланган ҳолда иншо ёзиш.

1/4. Ситуатив грамматика вазифалар намуналари

1. Қавс ичидаги сўзни керак шаклда нуқталар ўрнига ёзиб қўйиш.
2. Қавс ичидаги икки ва ундан ортиқ сўзни нуқталар ўрнига зарур бўлган шаклда кўчириш.
3. Қавс ичидаги сўзлардан нутқ-вазиятига мос келадиган шаклдаги сўзни нуқталар ўрнига қўчириш.
4. Вазиятга кўра гапларни шаклан тўғри ёки нотўғри эканлигини аниқлаш.
5. Тинглаб тушуниш кўникмаларини ҳосил қилиш мақсадида аудио-кассадда (ёки компьютерда) яратилган ва бажариш жараёнида грамматикага оид билимга таянишни тақозо этадиган вазифаларни бажариш.
6. Юқорида келтирилган вазифаларни имконияти борича компьютерда ўқитиш дастурларга таянган ҳолда ва товуш иштирокида бажариш.

Ситуатив грамматикага оид вазифаларни мустақил иш тарзида дарсдан ташқари ҳолатида компьютер ўқитиш дастурлари ёрдамида бажариш пассив билимни ўзлаштиришда юқори натижаларга олиб келади. Бу ҳолда ўқувчиларнинг мустақил иш жараёни кенгайди ва пассив билимни ўзлаштириш жараёни мумкин қадар актив билим жараёнига яқинлашади.

1/5. Гапириш вазифалар намуналари

1. Тилнинг турли қатламларига оид талаффуз билан боғлиқ бўлган вазифаларини бажариш (артикуляция кўникмаларини ҳосил қилиш мақсадида).
2. Монолог (ёки диалог) тарзидаги матнлардаги ахборотдан “калит” сўзларни аниқлаш ва уларга таянган ҳолда матн мавзусини оғзаки баён этиш.
3. 2-3 “калит” сўзга таяниб оғзаки нутқда нутқ вазиятини тузиш.
4. Тингловчи-тингловчи шаклида оғзаки суҳбат ўтказиш.
5. Эркин мавзу доирасида суҳбат уюштириш.
6. Вазифа қилиб берилган мавзу доирасида ёзувда ифодаланган матнга таяниб суҳбат уюштириш.

2. Тил тизими жараёни

Тил тизимига оид билим стандарти юқорида қайд қилинган босқичларга тақсимланган ҳолда келтирилади. Тил тизимига оид манбанинг ўзлаштирилиши ва назорати ситуатив грамматика ва нутқ фаолиятининг кўникма ва малакаларига оид вазифалар билан биргаликда олиб борилиши кўзда тутилади. Вазифалар мажмуаси эса мазкур дастурнинг “Билим стандарти” қисмида ситуатив грамматика ва нутқ фаолиятининг кўникма ва малакаларга оид қисмида келтирилган.

2/1. Илк босқич

Илк босқичда аввал мутлақо инглиз тилини ўрганмаган (ёки шу пайтга қадар бошқа инглиз тили билан шуғулланиб келган ва инглиз тилини иккинчи тил сифатида ўрганмоқчи бўлган) ёки инглиз тили таркиби ҳақида ниҳоятда кам маълумотга эга, нутқий кўникма ва малакалари эса мутлақо шакланмаган даражадаги ўқувчиларга қаратилгандир. Бу босқичда таҳсил олишга йўналтирилган ўқувчиларга бошланғич босқич кириш тестини (“placement test”) топшира олмаган ўқувчилар ҳам қўшилиши мумкин. Бу ҳолда уларга илк босқич манбасини тезлаштирилган ҳолда ўтилиши тавсия этилади.

Илк босқич (Zeqo Level)

Мазкур босқичдан тахсилни бошлаётган тингловчилар инглиз тилини мутлақо ўрганишмаган ёки тахсил ниҳоятда юза ва ўтмишида бўлганлиги туфайли инглиз тили ҳақидаги маълумотни бутунлай ёддан чиқаришган. Лотин алифбосидаги ҳарфларни фарқлай олсалар ҳам, инглиз тили ўқиш қоидаларидан бутунлай беҳабардирлар.

Нутқ фаолияти жараёни		Тил тизими жараёни				Босқич якунида эришилажак билим, кўникма ва малакалар
Кундалик инглиз тили жараёни	Мутахассислик инглиз тили жараёни	Графика	Фонетика	Луғат	Грамматика	
(а) монологик матн жараёни “Мен ҳақимда”, “Менинг оилам”, “Менинг шаҳрим”, “Менинг дўстим”, “Предмет ёки шахснинг жойлашувини тасвирлаш”, “менинг хонадоним”,... . (б) диалогик матн жараёни “саломлашув”, “хайрлашув”, “танишиш”, “стол атрофида учрашув”, “узр сўраш”, “манзилга етиб бориш учун маълумот олиш”, барча ўтиладиган гапларнинг мавзуларини ўтилган тил тизими манбаси ва диалог мавзуларига таянган ҳолда микро диалогларга айлантирилган матнлар.	(а) Давлатчиликка оид мавзулар : “Ўзбекистоннинг географик жойлашуви”, “Мустақил Ўзбекистон”, “Ўзбекистон тарихи”, “АҚШ”, “Буюк Британия”. (б) иқтисодий ҳаётга оид мавзулар - “Бизнес ҳақида”, “Бизнес фаолияти”, “Кичик ва катта бизнес”; “Бозор иқтисодиётида инсонла	Инглиз ҳарфлари-нинг сўз таркиби да ўқиш қоидалари.	Инглиз тилининг барча фонемалар - ининг талаффузи; содда дарак, буйруқ, ундо в, сўроқ гапларнинг оҳанги; сало млаш иш, хайрлашиш, узр сўраш, ҳолаҳвол сўраш,...в азиятларда	кундалик инглиз тилининг барча фонемаларнинг талаффузи; содда дарак, буйруқ, ундо в, сўроқ гапларнинг оҳанги; сало млаш иш, хайрлашиш, узр сўраш, ҳолаҳвол сўраш,...в азиятларда	кундалик инглиз тилининг барча фонемаларнинг талаффузи; содда дарак, буйруқ, ундо в, сўроқ гапларнинг оҳанги; сало млаш иш, хайрлашиш, узр сўраш, ҳолаҳвол сўраш,...в азиятларда	1. Ҳарфларни фарқлай оладилар, инглиз тилининг ўқиш қоидаларига оид тахсил якунига етиб қолган (номаълум матнни тушунарли қилиб инглиз тилида гапирувчи адресатга ўқиб етказди); 2. Инглиз тили тузилиши жараёнида олган билим ниҳоятда содда суҳбат олиб бориш вазиятларида иштирок этишга имконият яратади - учрашув жараёнидаги биринчи жумлалар (саломлашиш, хайрлашиш, ...), илтимос, буйруқни ифода эта билиши, саволни англаб

	<p>рнинг фаолият и”, “Бозор иқтисодиётида чиқим турлари” .</p> <p>“Матн”га оид манбанинг ўзлаштирилиши ва назорати ситуатив грамматика ва нутқ фаолиятининг кўникма ва малакаларга оид вазифалар билан биргаликда олиб борилади.</p>		<p>ги ибораларнинг оҳанглари.</p>	<p>ўзлаштиришга қаратилган сўзлар -ни қамрайди).</p>	<p>Indefinite Tense” иштирокидаги тасдиқ, инкор ва сўроқ гаплар; сифат даражалари; модал феъл “can”нинг ишлатилиши; “Who (whom)” иштирокидаги мураккаб гап; “than” сўзини қиёслаш мақсадида ишлатилиши; “as”ни бўлиб, ?илиб маъноларида ишлатилиши; “it is yasy (difficult, ...)to” жумлалар.</p>	<p>қисқа жавоб бера олиши, тушуниб англаган жумлага тасдиқ ёки инкор жумлалар билан жавоб қайтара олиши; Босқич талабига жавоб берадиган жараёнда жумлаларни тузиб хатга кўчириши.</p>
--	--	--	-----------------------------------	--	---	--

Илк босқич назорати

Кундалик назорат тизими ва баллар тақсимоти:

Кундалик назорат - 8 (2 блок);

subjects Tests	SG	LC	ҚС	EW	everydayevaluation “луғат”	total
test 1	10	15			5	30
test 2	10		10		5	25
test 3		15		20	5	40
test 4	10		10		5	25
total	30	30	20	20	20	120

100% шкалага айлантириш: (100% : 120) x умумий баҳо қ

Тест турлари ва баллар тақсимоти шартлидир:

дарсликнинг мавзусига қараб ўқитувчи баллар жараёнида лозим бўлган ўзгартиришлар назорат андазасини ўзгартирмаган ҳолда киритиши мумкин.

EW назорати шарти:

-ўтилган грамматика ёки луғатга оид эркин 15 та гап ёзиш (free writing)

EW назорати тизими: (илк ва бошланғич босқичлари учун)

	15 sentences and more	10-15 sentences	6-9 sentences
Grammar	0-1 mistake - 5 points 2-3 mistakes - 3 points 4-5 mistakes - 2 points 6-7 mistakes - 1 point 8 and more mistakes - 0	0-1 mistake - 3 points 2-3 mistakes - 2 points 4-5 mistake - 1 point 6 and more mistakes - 0	0-1 mistake - 2 points 2-3 mistakes - 1 point 4 and more mistakes - 0
spelling	0-2 mistakes - 3 points 3-4 mistakes - 2 points 5-6 mistakes - 1 point 7 and more mistakes - 0	0-2 mistakes - 2 points 3-4 mistakes - 1 point 5 and more mistakes - 0	0-2 mistakes - 1 point 3 and more mistakes - 0
vocabulary	0 mistake - 2 points 1 mistake - 1 point 2 and more mistakes - 0	0 mistake - 1 point 1 and more mistakes - 0	No points at all

Оралиқ ва якуний назорат шarti: - оғзаки нутқ жараёнига қаратилган.

Илк босқич оралиқ назорат тизими:

Оралиқ назорат сони - 2 (Иккинчи оралиқ назорати 1-2 чораклар манбасига таянади);

Илк босқич умумий назорати:

70% кундалик назорат Қ 30% оралиқ назорат қ

Кундалик назоратни 100% шкаладан 70% шкаласига ўтказиш шarti:

кундалик назоратнинг 100% шкаласидаги умумий баҳо х 0,7 қ

якуний назорат натижасини чиқариш шarti:

70% шкаласидаги чораклар кундалик назоратнинг ўртаси Қ 30% шкаласидаги оралиқ назоратнинг ўртаси қ

2/2. Бошланғич босқич

Бошланғич босқич (Elementary level)						
Бошланғич босқичда аввал инглиз тилини бир оз ўрганган (алфавит, ўқиш қоидаларини билади, тил тизимига оид манба бетартиб ўтилган ва мустақамланмаган) ёки инглиз тили таркиби ҳақида ниҳоятда кам маълумотга эга, нутқ фаолияти кўникма ва малакалари эса мутлақо шаклланмаган даражадаги ўқувчиларга қаратилгандир. Бу босқичда таҳсил олишга йўналтирилган ўқувчиларга <u>Кўйи ўрта</u> босқич кириш тестини (placement test) топшира олмаган ўқувчилар ҳам кириши мумкин. Бу ҳолда уларга бошланғич босқич манбасини тездаштирилган ҳолда ўтилиши тавсия этилади.						
Нутқ фаолияти жараёни		Тил тизими жараёни				Босқич якунида эришилажак билим, кўникма ва малакалар
Кундалик инглиз тили жараёни	Мутахассислик инглиз тили жараёни	Графика	Фонетика	луғат	Грамматика	
(а) монологик матн жараёни - “Менинг иш куним”, “Менинг	(а) давлатчиликга оид мавзулар: “Ўзбекис тон Республикаси нинг админ-	“- war”, “- eer”, “our”, “wor”, “alr	инглиз тилининг фонетикаси	кундалик инглиз тилининг фонетикаси	кундалик инглиз тилининг грамматикаси	1. Мазкур босқич талабига жавоб берадиган кундалик ва мутахассислик йўналишидаги тил жараёнида содда суҳбат олиб бориши; 2. Телефон орқали мазкур босқич

таржима и ҳолим”, “Менинг касбим”, “Менинг дам олиш куним”, “Таътил”, “Харид қилиш”, “Ишга жойлашиш”, “Йил фасллари”. (б) диалогик матн жараёни - “Учрашу в тайинлаш”, “Телефон қилиш”, “Меҳмонхона”, “Аэропортда”, “Ресторанда”, “Интервью олиш”, “Таътил”, “Бирор киши ҳақида сўзлаш”.	стратив бўлиниши”, “Олий Мажлис”, “Ўзбекис тон Республи каси тизимини нг ижро тармоғи”, “АҚШни нг сиёсий тизими”, “АҚШни нг административ тузилиши”, “Британия парламенти” (б) иқтисодий ҳаётга оид мавзулар - “Бозорлар”, “Бозор механизми”, “Бизнесдаги муваффақият”.	k”, “-al”, “-ew”, “-ay”, “-ey”, “arst”, “arsk”, “-tion”, ... ҳарф бирикмаларини ўқилиши.	урғу сиз бўғи н лард аги тала ф фузи ; ...	сўз ва сўз бирикмалари; мутахасислик сислики ка оид 100-130 атам алар (иктисод ва ўлка шу нослик мавзусига оид)	ва уларнинг гапда ишлатилиши; “how/how well/how often”, “which/which of ...” билан бошланадиган сўрок гаплар; “many/much”, “few/little”, “so/too many (much)”, “plenty of/a lot of/a lot” сўз ва сўз бирикмаларининг ишлатилиши; сонларни турли вазиятларда ишлатилиши; “The Past Indefinite Tense”, “regular and irregular verbs; “The Past Continious Tense”; “The Present Perfect Tense”, “some/any”, “to have/to have got” сўз ва сўз бирикмаларининг ишлатилиши. мутахассислик инглиз тили матнларида учрайдиган грамматик манба - “It is difficult (...,...) to”, “my task (...,...) is to” конструкциялари, герундий ва унинг гапдаги ўрни; “The Past Indefinite Tense”; “The Future Indefinite Tense”; “Participle I and constructions”; “clauses with who, that, which, where”.	мавзуларида содда суҳбатлар олиб бориши; 3. Хорижий газета ва журналлардан ахборотни ўзига зарур эканлигини англаши, луғат ёрдамида умумий мавзусини тушуниши; 4. Луғат ёрдамида соҳасига оид хатлар ўқиб тушуниши, содда мавзудаги жавоб хатни адресатга тушунарли ҳолда етказиши; 5. E-mailда қабул қилган хабарни луғат ёрдамида тушуниши, содда жавоб хатни адресатга тушунарли етказиши; 6. Интернетдан маълумотни ўзига зарур эканлигини англаши ва луғат ёрдамида умумий тушунча ҳосил қилиши; 7. Хорижий тилнинг бош-ланғич босқич билим ва кўникмалари даражаси талабига жавоб берадиган қисқа презентациянинг ёзма баёнини хорижий тилда тайёрлаши, маъруза қилиши ва содда савол жавоб шаклидаги муҳокамада иштирок этиши; 8. Соҳасига оид илмий маърузаларнинг энг умумий мавзусини англаши.
---	---	--	--	---	--	--

Бошланғич босқич назорати

Кундалик назорат тизими ва баллар тақсимооти:

Кундалик назорат тестларнинг сони - 8 (2 блок).

subjects Tests	SG	LC	ҚС	EW	everydayevaluation “луғат”	total
test 1	10	10		10	5	35
test 2		10	10	10	5	35

test 3	10	10	10		5	35
test 4	10		10	10	5	35
total	30	30	30	30	20	140

100% шкалага айлантириш: (100% : 140) x умумий баҳо қ ...

тест турлари ва баллар тақсимоти шартлидир: дарсликнинг мавзусига қараб ўқитувчи хоҳлаган ўзгартиришларни назорат андазасини ўзгартирмаган ҳолда баллар тақсимотига киритиши мумкин.

EW назорати шартлари:

-ўтилган монологик матн ўқиб берилади, ўқувчи шу мавзуни 15 гапда ифодалаб бериши шарти билан;

-ўтилган диалогик ёки монологик матн ўқиб берилади, ўқувчи эса уни монологик матнда 15 гап билан ифодалаб беради

- **EW** назорати тизими илк босқичидек.

Оралик ва якуний назорат андазаси.

Балларнинг жами - 30, бундан:

Accuracy (тўғри талаффуз этиш, луғатни тўғри ишлатиш, грамматик хатолар қилмаслик) - 5 балл;

Fluency (нутқнинг тезлиги, қийналмай фикр ифодаланиши, нутқнинг равонлиги) - 5 балл;

Effectiveness (матн мавзусини ифода этишда дадиллик, тушунарли ўтказиш, мисолларни ўринли ишлатиш) - 5 балл.

name	ORAL SPEECH EVALUATION					
	DIALOGICAL SPEECH			MONOLOGICAL SPEECH		
	Accuracy score-5 p.	Fluency score-5 p.	Effectiveness score-5 p.	Accuracy score-5 p.	Fluency score-5 p.	Effectiveness score-5 p.
1.						
2.						
3.						

Оралик ва якуний назорат балларнинг жамини чиқариш - илк босқичидек.

2/3. Қуйи ўрта босқич

Қуйи ўрта босқичда инглиз тилида бошланғич босқичга оид грамматика ва луғат манбасини ўзлаштирган, бу босқичга оид мавзуларда сўзлаша оладиган, мутахассисликка оид матнларни луғат билан ўқиб тушуна оладиган, фикрни бошланғич босқич даражасида ёзувда ифода қила оладиган, қуйи ўрта босқичга қаратилган кириш тестини (placement test) қониқарли топширган ўқувчилар киради. Ўрта босқич кириш тестини қониқарли топшира олмаган ўқувчиларга қуйи ўрта босқич манбасини тезлаштирилган ҳолда ўтиши тавсия этилади.

2/4. Ўрта босқич

Қуйи ўрта босқич (Preintermediate Level)		
Нутқ фаолияти жараёни	Тил тизими жараёни	Босқич якунида эришилажак билим, кўникма ва малакалар

Кундалик инглиз тили жараёни	Мутахассис инглиз тили жараёни	Луғат	Грамматика	
<p>Кундалик ҳаётда учрайдиган мавзуларга оид матнлар (Daily Routine English)</p> <p>(а) монологик матнлар: “Географик жойлашув”, “Иқлимга оид мавзулар”, “Оби ҳаво мавзулари”, “Атроф муҳитга оид мавзулар”, “Табиат”, “Экология”, “Инсоннинг ташқи кўриниши, кийим-кечак, миллий кийимлар”, “Таътил”, “Хобби”, “Ўйинлар”, “Спорт”, “Бадантарбияга оид мавзулар”, “Турли ўйинлар”, “Тиббиёт хизмати”, “Тиш дўхтири хузурида”, “Дорихона”, “Сартарошхона”, “Кийим тозалаш хизмати”, “Пойафзал хизмати”, “Соатсозлик хизмати”, “Муסיқа санъати”, “Театр санъати”, “Рассомчилик санъати”, “Газета ва телевидение”, “Ахборот хизмати”, “Касб хунар”, “Таълим”.</p> <p>(б) диалогик матнлар - юкорида қайд этилган монологик матн мавзуларида суҳбат уюштириш: Мамлакатнинг жойлашуви, иқлими ва об-ҳавоси ҳақида сўзлашиш; атроф муҳит, табиат, экология ҳақида суҳбат қилиш; инсоннинг ташқи</p>	<p>1. Барча академик лицей ва коллежлар учун мажбурий ҳисобланган мавзулар: (а) давлатчили кка оид мавзулар: “Ўзбекистон Республикаси: маҳаллий ҳукумат органлари”, “Япония давлатчили ги”, “АҚШнинг маҳаллий ҳукумат органлари”, “Буюк Британиянинг маҳаллий ҳукумат органлари”, “АҚШнинг административ тузилиши”, “Британия парламенти”; (б) иқтисодий ҳаётга оид мавзулар: “Маркетинг ва савдо”, “Мулкдорчилик турлари”, “Мулкдорчилик</p>	<p><u>Кундалик</u> <u>инглиз</u> <u>тилига</u> оид сўз ва сўз бирикма-лари сони 600 дан кам бўлмаслиги, ўтилган матнлар -ни қамраш ва янги дарслик киритилиши лозим; <u>мутахассислик</u> <u>а оид</u> 110-120 атамалар (иқтисод ва ўлкашунослик мавзусига оид)</p>	<p>“The Present Continious Tense” ва “The Present Indefinite Tense” замон шакллари турли вазиятларда ишлатилиши; “to be going to” ибораси, “The Present Continious Tense”, “The Present Indefinite Tense” ва “The Future Indefinite Tense” замон шакллари келаси замон маъноларида ишлатилиши; “The Past Indefinite Tense”, “The Past Continious Tense” замон шакллари турли вазиятларда ишлатилиши; “The Past Indefinite Tense” ва “The Present Perfect Tense” замон шакл-ларини турли вазиятларда ишлатилиши; can/may/might, must/should/have to/to be to/need, will ва бошқа модал феъл-ларнинг ишлатилиши;</p>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Босқичма-босқич ўқитиш стандартига жавоб берадиган қуйи ўрта босқич хорижий тил билим ва кўникмалар даражасига эга бўлиши; 2. Мазкур босқич талабига жавоб берадиган кундалик ва мутахассислик йўналишидаги тил жараёнида суҳбат олиб бориши; 3. Телефон орқали содда суҳбатлар олиб бориши; 4. Луғат ёрдамида хорижий газета ва журналлардан фойдаланиб зарур бўлган маълумотни таҳлил қила билиши, мавзусини инглиз тилида қисқача оғзаки баён қила билиши; 5. Соҳасига оид хатларни, электрон почтада қабул қилган хабарни луғат ёрдамида ўқиб тушуниши; адресатга жавоб хатни, электрон почтадаги хабарни тушунарли ҳолда ўтказиши; 6. Интернетдан маълумотни танлай олиши, луғат ёрдамида умумий таҳлил қилиши, она тилига таржима қилиши; 7. Хорижий тилнинг қуйи ўрта босқич билим ва кўникмалари даражаси талабига жавоб берадиган презентациянинг ёзма баёнини хорижий тилда тайёрлаши, маъруза қилиши ва содда муҳокамадан ўтиши; 8. Хорижий тилда ўтказилаётган илмий маъруза, суҳбат ва мажлисларда таржимон ёрдамисиз умумий мавзунини англаб бориши, саволлар билан мувожаат қилиши, муҳокамада қатнашиши;

қиёфасини тасвирлаш, кийими, миллий кийимлар ҳақида суҳбат; ва бошқа юқорида кўрсатилган мавзулар юзасидан диалогик матнлар.	турлари: кулайликлар ва нокулайликлар”.		фееъл моделлари (verb patterns): want/hope/would like to do smth; like/enjoy/love doing smth; “The Past Perfect Tense” “The Past Indefinite Tense” фееъл шаклларининг турли вазиятларда ишлатилиши.	
--	---	--	---	--

Қуйи ўрта босқичга оид адабиёт

Қуйи ўрта босқич назорати

Кундалик назорат тизими ва баллар тақсимоти: Бошланғич назорат тизими жадвалидан фарқ қилмайди.

EW назорати шартлари:

- ўтилган монологик ёки диалогик матн ўқиб берилади, ўқувчи шу мавзунини 15 гапда ифодалаб бериши шарт билан;
- янги (ўтилган манбага таянган) диалогик ёки монологик матн ўқиб берилади, ўқувчи эса уни монологик матнда 15 та гап билан ифодалаб беради;
- маълум бир мавзу бўйича ишро ёзиши;
- **EW** назорат тизими бошланғич босқичидек.

Кундалик назорат тестларнинг сони - 16 (4 блок).

Оралик назорат тестларнинг сони - 4 (ҳар семестрдаги иккинчи тестлари -ўтилган икки чорак манбасини қамрайди).

Оралик ва якуний назорат шартлари: бошланғич босқичидек.

2/4. Ўрта босқич

Ўрта босқич (Intermediate Level)

Кундалик инглиз тилига оид ахборотни тушуниб етиши, зарурият тақозо қилган суҳбат ва мунозараларда содда тил даражадаги жараёнда ҳоҳлаган мавзунини эркин ифода қила билиши. Аммо эркин мулоқот кўникмаларини намойиш этилиши кўп ҳолларда грамматик хато ва мавзунини тўлиқ ифода этаолмаслик эвазига бўлиши сезилиб туради. Мутахассислиги жараёнидаги мавзунини илғаб олиши ва хабарни тушунарли ҳолда етказа билади.

Нутқ фаолияти жараёни		Тил тизими жараёни		Босқич якунида эришилажак билим, кўникма ва малакалар
Кундалик инглиз тили жараёни	Мутахассислик инглиз тили жараёни	Луғат	Грамматика	

<p>Муаммоли шароитлардаги инглиз тили (Survival English): (а) монологик матн мавзулари: аэропортда, турар жойни танлаш ва ўрнашиш, овқатланиш, харид қилиш, зиёратлар қилиш, телефонда суҳбатлашиш, хабар юбориш (почта, бошқа воситалар билан), соғлиқни сақлаш (даволаниш), хизмат турлари, пул билан боғлиқ бўлган муаммолар. (б) диалогик матн мавзулари: чипта сотиб олишдаги суҳбат, паспорт ва божхонадан ўтиш пайтдаги суҳбат, самолётга таклиф этишда ишлатиладиган ахборот.</p>	<p>1. Барча академик лицей ва коллежлар учун мажбурий ҳисобланган мавзулар: (а) давлатчили к ка оид мавзулар: “Ўзбекистондаги сиёсий партиялар ва ҳаракатлар”, “Сиёсий тизимнинг демократла-шуви”, “АҚШ сиёсий партиялари”, “Буюк</p>	<p><u>Кундалик</u> <u>инглиз тилига</u> оид сўз ва сўз бирикмалари сони 600дан кам бўлмаслиги, ўтилган матнларни камраши ва янги дарслик-ка киритилиши лозим; <u>мутахассисликка</u> оид 110-120 атамалар (иктисод ва ўлкашунослик мавзусига оид)</p>	<p>Пайт (“when clause”) ва шарт (“if clause”) эргашган қўшма гапларда феъл шаклларининг ишлатилиши; замонлар мослашувида (“Sequence of Tenses”, “Future in the Past”) феъл шаклларининг ишлатилиши; мураккаб тўлдирувчи (“Complex Object”); шарт эргашган қўшма гаплар (“Conditional sentences”); ўтган замон сифатдоши ва унинг ишлатилиши (“Participle II and constructions”); инглиз тилида сўз яшаш; феълнинг тўрт асосий шакллари; феълнинг машхурлик даражаси (“The Passive Voice”); артикларнинг географик номлар билан ишлатилиши (“The use of the articles with geographical names”), бошқа, матнларда учрайдиган грамматикага оид материал.</p>	<p>1. Ўқиб тушуниш кўникмаларини оригинал матнлар мисолида ривожлантириши ва ўқиш жараёнида юз келган турли муаммоли ҳолларни мустақил бартараф қилиши; 2. Мазкур босқич талабига оид луғат ва мавзуларда мулоқот кўникмаларига эга бўлиши; 3. Босқич талабига жавоб берадиган даражада фикрни равшан, грамматик хатоларсиз баён қилиши; 4. Хорижий газета ва журналлар, соҳасига оид манбалардан фойдаланиб зарур бўлган маълумотни таҳлил қила билиши; 5. инглиз тилида қисқача мавзусини оғзаки баён қила билиши; 6. Соҳасига оид хатларни, электрон почтада қабул қилган хабарни луғат ёрдамисиз ўқиб тушуниши; 7. Адресатга содда жавоб хатни, электрон почта орқали хабарни тушунарли ҳолда етказиши; 8. Интернетдан маълумотни ўзига зарур эканлигини англаши ва луғат ёрдамисиз мавзу ҳақида умумий тушунча ҳосил қилиши; 9. Хорижий тилнинг ўрта босқич билим ва кўникмалари даражаси талабига жавоб берадиган қисқа презентациянинг ёзма баёнини хорижий тилда тайёрлаши, маъруза қилиши ва муҳокамада иштирок этиши; 10. Соҳасига оид илмий маърузаларнинг 60 % мавзусини англаши; 11. Соҳасига оид йиғилишларнинг баҳс ва мунозараларида фикрини равшан ва эркин ифода қилиши; 12. Бизнес ҳаётда иштирок</p>
---	---	--	---	--

	<p>Британияда сиёсий партиялар тизими”.</p> <p>(б) иқтисодий ҳаётга оид мавзулар: “Бозор иқтисодиёт и да талаб ва таклиф”, “Иқтисодий ташкилотнинг уч муаммоси”</p>			<p>этишга зарур бўлган инглиз тилига оид билим ва кўникмаларга эга бўлиши.</p>
--	---	--	--	--

Ўрта босқич назорати

Кундалик назорат тизими ва баллар тақсимоти: қуйи ўрта босқич назорат тизими жадвалидан фарқ қилмайди.

EW назорати шартлари:

-ўтилган диалогик ёки монологик матн ўқиб берилади, ўқувчи шу мавзунини 15 гапда ифодалаб бериши шарт билан;

- янги(ўтилган манбага таянган) диалогик ёки монологик матн ўқиб берилади, ўқувчи эса уни монологик матнда 15 гап билан ифодалаб беради;

- маълум бир мавзу бўйича ишро ёзиши;

- схема, графларда ифодаланган ахборотни ёзма матнда ифодалаб бериши;

- касб-ҳунар коллежи ёки академик лицей мутахассислигининг йўналиши бўйича реферат ёзиши.

- **EW назорати тизими қуйи ўрта босқичидек (ишро, схема ..., рефератга оид ёзма ишни назорат этишида балларнинг тақсимоти 15 балл шкаласида ихтиёрдир);**

Оралик ва якуний назорат шартлари: қуйи ўрта босқичидек.

2/5. Юқори ўрта босқич (Upper Intermediate level)

Юқори ўрта босқичда инглиз тилида ўрта босқичга оид грамматик ва луғат манбасини ўзлаштирган, бу босқичга оид мавзуларда сўзлаша оладиган, мутахассисликка оид матнларни луғат билан ўқиб тушуна оладиган, фикрни ўрта босқич даражасида ёзувда ифода қила оладиган, юқориўрта босқичга қаратилган кириш тестини (placement test) қониқарли топширган ўқувчилар киради.

Ўқувчилар босқич тахсилининг якунида қуйидаги билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари кутилади:

1. Ўқиб тушуниш кўникмаларини оригинал мураккаб матнлар мисолида ривожлантириши ва ўқиш жараёнида юз келган турли муаммоли ҳолларни мустақил бартараф қилиши (бунда фақат инглиз тили изоҳли луғатига мурожаат қилиши мумкин).
2. Мазкур босқич талабига оид мавзуларда зарур бўлган луғат ёрдамида мулоқот кўникмаларига эга бўлиши.
3. Босқич талабига жавоб берадиган даражада мураккаб фикрни равшан, грамматик ва лексик хатоларсиз баён қила билиши.
4. Хорижий газета ва журналлар, соҳасига оид манбалардан фойдаланиб зарур бўлган маълумотни таҳлил қила билиши, инглиз тилида мақола мавзусини оғзаки ва ёзма шаклда равшан баён қилиши.
5. Соҳасига оид хатларни, электрон почтада қабул қилган хабарни луғат ёрдамисиз ўқиб тушуниши; адресатга мураккаблик даражаси турли бўлган жавоб хатни, электрон почта орқали хабарни тушунарли ҳолда етказиши.
6. Интернетдаги маълумотдан эркин фойдаланиши, мураккаб ахборотга юз келган ҳолларда фақат изоҳли луғатга мурожаат қилиши.
7. Хорижий тилнинг юқори ўрта босқич билим ва кўникмалари даражаси талабига жавоб берадиган зарур бўлган презентациянинг ёзма баёнини хорижий тилда тайёрлаши, равшан маъруза қилиши ва муҳокамада иштирок этиши.
8. Соҳасига оид оғзаки нутқда баён қилинаётган илмий маърузаларнинг 85% ини англаши.
9. Бизнес ва молияга оид айрим ҳужжатларни инглиз тилида ташкиллаштириши, ҳисоботларни ёзувда аниқ баён этиши.
10. Махсус ҳисобланадиган бизнес, савдо, халқаро муносабатларга оид мунозараларда иштирок этиш, контракт шартларини муҳокама қилиши, мажлис олиб бориш кўникмаларга эга бўлиши.
11. Мутахассислиги тақозо қилган турли мураккаб мавзулар юзасидан мулоқотларда қатнашиш.

(Илова: мазкур босқич даражасидаги тингловчи бошқа хорижий тил ўзлаштиришга йўналтирилади.)

Юқори ўрта босқич - касб-ҳунар коллежи ёки лицей мутахассислик йўналиши бўйича инглиз тилини ривожлантиришга қаратилгандир. Бунинг учун ҳар бир лицей ёки коллеж ўз йўналишига жавоб берадиган янги дарслик яратиши шарт. Бу масаланинг долзарб эканлигини инобатга олган ҳолда дарслик яратишда қуйидаги шартлар бажарилишини лозим деб биламиз:

- Ўзбекистон воқелигини инобатга олиш;
- интенсиф услубларга таяниш;
- мустақил иш жараёнини техник воситаларни (компьютер, лингафон) жалб қилиш орқали мумкин қадар кенгайтириш;
- вазифалар кўламини янги ўқитиш технологияларга таянган ҳолда ишлаб чиқиш.

Юқори ўрта босқич назорати

Кундалик назорат тизими ва баллар тақсимоти: ўрта босқич назорат тизими жадвалидан фарқ қилмайди.

EW назорати шартлари: мутахассислик инглиз тили жарёнини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши керак.

Оралиқ ва яқуний назорат шартлари: ўрта босқичидек.

**SYLLABUS FRAMEWORK FOR ENGLISH
IN ACADEMIC LYCEE, NON SPECIALIST STREAM AND ENGLISH IN
PROFESSIONAL COLLEGES**

The syllabus provides a three year comprehensive general English proficiency course for those who have already studied English in secondary school. The syllabus leads to an examination close in level to the internationally recognized Cambridge University Local Examination Syndicate's First Certificate in English.

**I LISTENING
LISTENING: YEAR I**

Listening 1: Developing general language skills. On the basis of the listening text there are activities to develop control of individual words, phrases, structures, intonation, stress, etc.

The listening texts will be:

- words;
- sounds;
- short sentences (3-5 words);
- longer sentences (5-7 words);
- short dialogues: greetings, thanks, arrivals, departures, likes, dislikes, weather, book, food, habits, etc.
- short jokes (3-5 sentences).

The texts will be accompanied by exercises to train recognition of:

- sounds
- grammatical forms
- words and phrases
- stress
- intonation

Listening 2: Developing listening skills. Using short semi-authentic texts as a source to develop listening skills

Skills to be developed	Text types to be included
I. guessing the meaning of unknown words	I. interviews
II. predicting	II. plays
III. identifying main ideas	III. information programmes
IV. identifying details	IV. lectures
V. identifying the speaker's purpose	V. songs
VI. identifying the speaker's mood	VI. advertisements
VII. identifying the organisation of the text	VII. instructions, directions how to use things, rules, regulations, signs, etc.
VIII. identifying relations between parts of the text	VIII. news broadcasts
IX. distinguishing between fact and opinion	IX. weather broadcasts
X. understanding inferences	X. conversations
XI. handling repetition, hesitation, false, etc.	XI. in a bank, shop, etc.

LISTENING: YEAR II

Listening 1: Texts will be on the same topics as the main reading texts so that pupils discuss the same topic areas (and recycle vocabulary) but develop the topic in both written and oral codes.

- a short stories (5-7 sentences)
- b jokes, anecdotes (5-10 sentences)
- c exercises for recognising:
 - I. words and phrases
 - II. grammar structures in action
 - III. style: formal, informal, jargon, etc.
 - IV. different text types

Listening 2: Using longer semi-authentic and some authentic texts as a source to develop listening skills. (Tables as in Year 1 above).

LISTENING: YEAR III

Listening type 2 only: Using longer semi-authentic and some authentic texts as a source to develop listening skills. (Tables as in Year 1).

Students will listen to authentic and semi-authentic texts of 2-5 minutes duration on the same topics as the main reading texts. They will be encouraged to discuss the topic, share opinions on the topic and agree or disagree with the speaker's/speakers' views.

Listening 3: Students will listen to longer authentic and semi-authentic texts (up to 8 minutes), take notes, give a summary (oral or written) in the first language and then, in English, give their own opinions about the text.

II. SPEAKING

SPEAKING: YEAR I

On the basis of the main text or based on another short text (or texts) which deals with the same topic, there will be exercises for developing writing skills.

Speaking 1: Developing general language skills. On the basis of the text there are activities to develop control of individual words, phrases, structures, etc.

Speaking 2: Developing speaking skills. Using the text as a model students build their own similar texts

The activities, pictures, tables, dialogues, etc. should be chosen to give practice in building up appropriate vocabulary and language structures to enable pupils to communicate:

greetings;

expressing gratitude;
 expressing agreement/disagreement;
 expressing happiness, sorrow;
 expressing likes/dislikes;
 discussing family (name, age, relationships);
 expressing who/what you are.

SPEAKING: YEAR II

A second year student should be taught how to express his attitude to the problems discussed in the main text and speak for 2-3 minutes on:

daily programme
 home and furniture
 food, cooking, shopping
 clothes and shopping, making clothes, furniture, etc.
 tourism and travel
 education
 health and illnesses, medicine, visits to the doctor
 hobbies
 weather
 education

SPEAKING: YEAR III

To be able to give a talk (3-5 minutes) on:

profession;
 jobs, applying for a job, getting a job;
 interview;
 business and management;
 banks, money and market economy;
 politics and political systems;
 international relations;
 generation issues: parents and children, adults and young people. teachers and students, etc.

III READING

Texts are to be used in two ways:

Reading 1: Using the text to practise reading skills eg. reading for information

Reading 2: Using the text as a basis for language learning and practice

Skills to be developed	Text types to be included
I. guessing the meaning of unknown words from the context	I. e-mail, internet web pages
II. predicting	II. references sources (book or computer form) dictionaries, grammars, encyclopaedias
III. pre-viewing	III. newspapers and magazine articles
IV. skimming	IV. handbooks, guidebooks, textbooks
V. scanning	V. extracts from novels, short stories, poems, limericks, rhymes
VI. finding main ideas	VI. letters, postcards; advertisements
VII. finding details	VII. instructions, regulations, signs, etc.
VIII. identifying the author's purpose	VIII. statistics, diagrams, timetables, maps, etc.
IX. identifying the organisation of the text	
X. distinguishing between fact and opinion	

XI. interpreting non-linear text eg. diagrams, tables, etc. XII. understanding inferences	IX. telephone and other directories X. specialist articles on law, economics, mathematics, etc.
---	---

READING: YEAR I

Texts should include some authentic or semi-authentic texts.

Texts will be half a page long.

There should be 5-10 new words or phrases per text.

Topics will include: daily life (eg. personal information, family, jobs, dates), daily routines, clothes, food, shopping, housing, hobbies, weather, sports, culture and traditions.

Reading 1: Developing reading skills. Using the text to practise reading skills eg. reading for information

Reading 2: Developing general language skills. The text is the basis for developing:

- pronunciation;
- grammar structures;
- vocabulary ;
- translation skills;
- dictionary skills;
- writing (for consolidation of structures).

READING : YEAR II

Texts should include mostly authentic or semi-authentic texts.

Texts will be a page long.

There should be 7-12 new words or phrases per text.

Topics will include: problems of youth, nature, history, geography, literature, travelling, entertainment and art (including cinema, theatre, video, internet etc.) education, health, neighbours, guests, furniture, illness, new developments in science, business, industry, economics and law.

Reading 1: Developing reading skills. Using the text to practise reading skillseg. reading for detail

Reading 2: Developing general language skills. On the basis of the text there are activities to develop:

- pronunciation;
- grammar structures;
- vocabulary;
- translation skills;
- dictionary and grammar reference skills;
- writing (for consolidation of structures);
- cross cultural studies.

READING: YEAR III

Texts should be authentic or semi-authentic texts.

Texts will be a page to a page and a half long.

There could be up to 10-15 new words or phrases per text.

Topics will include: profession and jobs, business and management, banks and money, politics and political systems, international relations, tourism, hotel business, personality

and personal characteristics, relationships between parents and children, adults and young people, management and workforce, national customs and traditions, employment and career issues, space technology, education issues (eg. awareness of the problems of drugs, smoking, ecological and environmental problems and responsibilities, law and crime, etc.)

Reading 1: Developing reading skills. Using the text to practise reading skills eg. distinguishing fact and opinion

Reading 2: Developing general language skills. On the basis of the text there are activities to develop:

- Pronunciation;
- grammar structures;
- vocabulary;
- translation skills;
- dictionary and grammar reference skills;
- writing (for consolidation of structures);
- cross cultural studies;
- language awareness;
- expressing personal attitude to the problem / problems touched upon in the text.

IV. WRITING

WRITING: YEAR I

On the basis of the main text or based on another short text (or texts) which deals with the same topic, there will be exercises for developing writing skills.

Writing 1: Developing general language skills. On the basis of the text there are activities to develop control of individual words, phrases, structures, etc.

Writing 2: Developing writing skills. Using the text as a model students build their own similar texts

Types of writing to be developed:

- stories, narratives;
- personal diary;
- posters, notices, etc.
- simple factual reports;
- simple letters, postcard (informal, formal eg. thanks, invitation, etc.);
- description.

WRITING: YEAR II

On the basis of the main text or based on another short text (or texts) which deals with the same topic, there will be exercises for developing writing skills.

Writing 1: Developing general language skills. On the basis of the text there are activities to develop control of individual words, phrases, structures, etc.

Writing 2: Developing writing skills. Using the text as a model students build their own similar texts

Types of writing to be developed:

- formal letters and replies (eg. enquiry, complaint, asking for catalogue, etc.);
- essays;
- articles for wall newspaper;
- factual reports (eg. news);

simplee-mails (note, letter, comment, reply,etc.).

WRITING: YEAR III

On the basis of the main text or based on another short text (or texts) which deals with the same topic, there will be exercises for developing writing skills.

Writing 1: Developing general language skills. On the basis of the text there are activities to develop control of individual words, phrases, structures, etc.

Writing 2: Developing writing skills. Using the text as a model students build their own similar texts

Types of writing to be developed:

- advertisement;
- completing forms (application, visa, etc.);
- curriculum vitae;
- simple factual reports;
- letters of application;
- a summary;
- keeping an appointments diary.

Назорат тизими

1. Ўқитиш сифатининг ички назорати таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи тасдиқлаган «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисида»ги Низом асосида рейтинг-назорат шаклида ўтказилади. Назоратнинг рейтинг тизими қуйидаги назорат тадбирлари ўтказилишини кўзда тутади:

- жорий назорат;
- оралик назорат;
- якуний назорат.

2. 100% шкаласида олиб борилади:

56 дан пастги рейтинг қониқарсиз; 56-70 - қониқарли; 71-85 - яхши; 86-100 - аъло

Назоратнинг хусусиятлари:

- баҳоланишнинг сони муҳим аҳамиятга эга;
- ҳар бир талаба учун баҳолашнинг сони бир бўлиши шарт;
- баҳолаш учун танланган мавзу ҳамма ўқувчилар учун бир бўлиши керак;
- назорат вазифалари аввалдан тайёрланиб қўйилиши шарт.

3. Рейтинг назоратининг шартлари:

- соддалиги;
- барча синфлари учун рейтинг андазасининг универсал бўлиши;
- барча нутқ фаолияти турлари ва тил материаллини қамраб олиши;
- объектив бўлиши, сон жиҳатидан етарли бўлиши;
- синовлар узлуксиз олиб борилиши.

4. Назорат объекти:

- тинглаб тушуниш;

- ўқиб тушуниш;
- фикрни ёзувда ифодалаш;
- ситуатив грамматика;
- оғзаки нутқ;
- “луғат” (сўзларнинг талаффузи, бўғин ва фраза урғуси, логик урғу, гап оҳанглари, сўзнинг маъноларига кўра нутқда тўғри ишлатилиши, ...);

5. Кундалик назорат шартлари: ҳар бир чоракда 4 марта назорат уюштириш;

6. Кундалик назорат меъёри: босқичма-босқич тамойилига бўйсинади (тестлар таркиби ҳар бир босқичда босқичнинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ҳар хил бўлиши мумкин). Баллар тақсимоти 100% шкаласига ўтказилганидан сўнг баҳога айлантирилади.

Кундалик назорат тизими

(туб бошланғич поғона, 1 чорак мисолида)

subjects Tests	SG	LC	ҚС	EW	everydayevaluation “луғат”	total
test 1	10	15			5	30
test 2	10		10		5	25
test 3		15		20	5	40
test 4	10		10		5	25
total	30	30	20	20	20	120

7. Оралиқ назорат шартлари:

- ҳар бир чорак якунида бир оғзаки имтиҳон.
- ҳар чоракнинг умумий баҳоси: 70 % кундалик назорат Қ 30% оралиқ назорат.

8. Якуний назорат шартлари:

-якуний назорат шакли чегаравий назоратнинг шаклидек, мазмуни бутун ўқув йилида ўтилган манбани қамрайди.

9. Йиллик баҳонинг чиқарилиши:

- 70 % шкаласидаги чораклар баҳосининг ўртачаси Қ 30% шкаласидаги якуний назорат баҳосини қ ...

Намунавий мавзулар режаси

Соат	Мавзулар	Фонетик ва грамматик маълумот
	1. Инсон ва жамият	
10	Буюк Британия ва Ўзбекистон ўртасидаги маданий-илмий ва бошқа хилдаги алоқалар, шу жумладан, ёшлар ўртасида фикр алмашиш	Алфавит ҳамда бўғин турлари. Ҳарф бирикмалари ҳақида маълумот. Кундалик инглиз тили матнларида учрайдиган грамматик манба -“Present Continuous Tense (for present and future actions)”; “to be going to” конструкцияси; “There
10	Ҳозирги замон жамиятида ёшларнинг ҳаёти: ўқиш, ҳордиқ чиқариш, шу жумладан, илмий - техник ижод, муаммо	

	ва истиқбол	is/are” конструкциялари,
12	Буюк Британия халқининг иқтисодиёти, маданияти, турмуши ва анъаналари (бадий асарлар ва асл нусхадаги бошқа матнлар асосида)	олмошлар, “Objective and possessive case” “кўрсатиш ва ўзлик олмошлари” “some/any”, “Noun :Singular and plural” “Артиклар :A/an ва The ” ва уларнинг
12	Ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт лавҳалари (рўзнома ва ойномалардан)	ишлатилиш коидалари, “Present Indefinite tense”; “good/ well”; “bad/badly” ва
12	Жамиятнинг экологик муаммолари (табiiй бойликлардан оқилона фойдаланиш, ердаги ҳаётни сақлаб қолишда экологиянинг аҳамияти)	уларнинг гапда ишлатилиши; “how/how well/ how often”, “which/which of ...” билан бошланадиган сўроқ гаплар;
6	Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш	“many/much”, “few/little”, “so/too many (much)”, “plenty of/a lot of/a lot” сўз ва сўз бирикмаларининг ишлатилиши;
	2. Маданият ва санъат	сонларнинг турли вазиятларда ишлатилиши; “Past Indefinite Tense”; “regular and irregular verbs; “ Past Continious Tense”; “Present Perfect Tense”, “to have/to have got” сўз ва сўз бирикмаларнинг ишлатилиши.
10	Мамлакатимиз ва Буюк Британиянинг адабиётлари, мусақалари, тасвирий санъат, театр ва кинолари	“Future Indefinite Tense” замон шаклларининг келаси замон маъноларида ишлатилиши; “The Passive Voice” can/may/might, must/should/have to/to be to/need, will ва бошқа модал феълларнинг ишлатилиши; none –finted феъл шакллари want/hope/would like + to do smth; like/enjoy/love +doing smth;
14	Мамлакатимиз ва Буюк Британиянинг умумжаҳон моддий ва маънавий тараққиётига қўшаётган ҳиссаси	“The Past Perfect Tense” замони “It is difficult +to verb”, “my task is +to verb” конструкциялари, герундий ва унинг гапдаги ўрни; “Participle I and constructions”; “adverbial clauses of time ,place, cause ,ame,manner , relative clauses:with who, that, which, where”. Real and unreal conditional clause , “Complex Object” “Direct and indirect speech and “Sequence of Tenses”,
8	Буюк шахсларнинг таржимаи ҳоллари	ўтган замон сифатдоши ва унинг ишлатилиши “Participle II and constructions”,
	3. Фан	
12	Мамлакатларимиз ва Буюк Британия фан-техникасидаги кашфиётлар тарихи	
10	Буюк Британия ва АҚШ олимларининг фан, техника ва технология тараққиётига қўшган ҳиссаси	
8	Ўқувчилар касби бўйича ўрганилаётган тилдаги баъзи маълумотлар(гуманитар, табиатшунослик, математика, тилшунослик соҳаларидан)	
14	Коинот ҳақида тушунчалар	
	4. Меҳнат ва ишлаб чиқариш	
4	Турли касб ва меҳнат турлари	
2	Ҳозирги замон ишлаб чиқаришининг хусусиятлари, фан ва илғор технологияларнинг ундаги аҳамияти	
4	Ҳозирги замон ҳисоблаш техникасининг имкониятлари, унинг жамият ҳаётидаги аҳамияти, ўқиш жараёнида ундан фойдаланиш	
4	Касбий фаолият юритиш, касбий маҳоратнинг ўзлаштирилиши жараёнида инглиз тилининг роли	
2	Инглиз сармоядорлар билан тузилган кўшма корхоналар фаолияти	
6	Кичик ва катта бизнес	
Жами: 160		

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида инглиз тили ўқитиш жараёнини назорат қилиш

Ўқув юртларининг ушбу шаклларида инглиз тили ўқитишни назорат қилиш ва ўқувчилар эришган муваффақиятларни баҳолашнинг сифат жиҳатидан фарқ қилувчи усулларини қўлланилиши талаб қилинади. Назорат қилиш ва баҳолашга бир-бирини ўзаро тўлдирувчи фаолият сифатида қаралади. Назорат ўқувчиларнинг бутун ўқиш жараёнида эришган ютуқларини қайд қилиш имконини беради. Баҳолаш эса бир вақтнинг ўзида ҳам педагогик бошқариш воситаси, ҳам вазифаси бўлиб қолади, чунки у ўқувчиларда ўз фаолиятларига ўзлари баҳо бера олиш малакаларини сингдиради, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари шароитида эса мустақил ишларнинг солиштирма оғирлиги, таълимнинг қўйи босқичларидагига нисбатан анча юқоридир.

Назорат қилишнинг педагогик асосини ўқувчи текшириш вақтигача нимани ўрганганини аниқлашга интилиш ташкил этиши лозим. Назоратнинг бундай ижобий ёндашуви қўлланилганда одатий бўлиб қолган инглиз тили фанини ўзлаштирилиши масаласида ўқувчиларнинг билмаслик ёки хатоларини ҳисоблаш билан чекланиш услубидан воз кечилади.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларнинг вазифаси инглиз тилидан мутахассисларни етиштириш эмас, балки ўқувчиларни кейинги амалий фаолиятлари жараёнида фойдаланишлари учун инглиз тилидан нутқий малакалар беришга мўлжаллангандир, бинобарин тил соҳасидаги материаллардан фойдалана олиш даражаси масаласида бир қадар апроксимацияга (идеал даражадаги талаблардан бир оз чекиниш)га йўл қўйилиши мумкин.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг инглиз тилидан эришишлари лозим бўлган минимал зарурий ва етарли бўлган даражаси – инглиз тилида матнларни ўқиш, оғзаки ва ёзма ишлари каби асосий коммуникатив лаёқатларини шакллантирилиши билан боғлиқдир.

Ушбу лаёқатлар тил материалини билиш ва ундан фойдалана олиш кўникмаларини ҳосил қилиниши ҳамда коммуникатив малакалар шаклланишида муҳим шарт бўлиб хизмат қилувчи лингвомамлакатшунослик характерини билишни тақозо этади.

Қўйидаги минимал зарурий кўникма ва малакалар якуний назоратдан ўтказилади:

Ўқиш соҳасида:

- ўқилган матн мавзусини аниқлаш;
- асосий фикрни ажратиш;

Ахборотни қабул қилиш ва бошқаларга етказиш (матнга асосланган ҳолда оғзаки ёки ёзма равишда); гапириш соҳасида:

- дастурда кўрсатилган мавзулар бўйича ижтимоий-маиший, ўқув-ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маданий соҳалар бўйича мулоқот жараёнида юз берадиган вазиятларда, ахборот сўраш ва уни етказиш, ҳаракат қилишга даъват этиш, фикр алмашиш;

- ижтимоий-маиший, ўқув-ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маданий соҳаларга оид бўлган мулоқот мавзулари бўйича бир бири билан боғлиқ бўлган кенг мулоҳазаларни билдириш;

- ўқиб чиқилган матн мазмунини матн ё берилган саволларга асосланган ҳолда оғзаки баён қилиш;

- ўқиб чиқилган ё тинглаб тушунилган матн мазмунига баҳо бериш, қабул қилинган ахборотни ўз ҳаётий тажрибаси билан солиштирган ҳолда у ҳақида ўз фикрини билдириш.

Тинглаб тушуниш соҳасида:

- дастурий мавзуга оид тинглаб тушунишга мўлжалланган матнларнинг асосий мазмунини тушуниш.

Ёзув соҳасида:

- расмий ва норасмий характердаги хатларни ёзиш;

- ўз мулоҳазаларини билдиришга тайёрланиш мақсадида режа ва тезисларни тузиш.

Таржима соҳасида:

- матндаги алоҳида гап ёки абзацларни аниқ таржима қилиб бериш;

- ўқиб чиқилган матннинг тегишли мазмунини она тили воситалари орқали ифода қила олиш.

Инглиз тилини ўрганиш жараёнида ҳосил бўлган билимлар, кўникма ва малакалар даражасини таҳлил қилиш анъанавий (турли топшириқлар орқали) ва анъанавий бўлмаган назорат усуллари (тест, рейтинг тизими, мавзулар бўйича синов ўтказиш кабилар) асосида амалга оширилади.

Адабиётлар: